

ФРАЗА, ФРАЗЕМА ВА ФРАЗЕОЛОГИЯ АТАМАЛАРИНИНГ ЎЗБЕК, РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИДАГИ ТАСНИФЛАРИ

Ураимова Моҳигул Қобулжон қизи

Фарғона давлат университети таянч докторанти.

mohigulqobulovna@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола фраза, фразема ва фразеологик бирликларнинг изоҳли, қомусий ва энциклопедик луғатларда берилган таърифлари таҳлилига бағишланган.

Kalit so‘zlar: fraza, frazema, frazeologiya, uslub, ibora.

Аннотация. Данная статья посвящена анализу определений фраза, фразем и фразеологических единиц, приведенных в толковых, компаративных и энциклопедических словарях.

Ключевые слова: фраза, фразема, фразеология, стиль, словосочетание.

Abstract. This article is devoted to the analysis of definitions of phraseological, phraseological units given in explanatory, comprehensive and encyclopedic dictionaries.

Key words: phrase, phraseology, phraseology, style, phrase.

КИРИШ

Тилшунослик бўлими сифатидаги фразеологиянинг асосий диққат эътибори фразеологизмларни ўрганишга қаратилади. Фразеологизм— икки ёки ундан ортиқ сўздан ташкил топган, ма’новий жиҳатдан ўзаро боғлиқ со‘з бирикмасидир.. Фразеологизм сўз каби луғавий бирлик ҳисобланади. Улар ҳам сўз каби тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлганлиги сабабли нутқ ходисаси эмас,

балки тил ҳодисасидир. Ушбу мақолада “фраза, фразема, фразеология” атамаларининг уч тилдаги луғатларда берилган таърифлари билан танишиб чиқамиз.

МЭТОДЛАР

Ушбу мақолада турли тизимдаги тиллардаги фраза, фразема, фразеология атамаларини солиштириб ўрганиш учун қиёсий, дескриптив ва таҳлилий методлардан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР

Инглиз тилидаги “Merriam-Webster” луғатида фразага қуйидагича таъриф бериб ўтилади:

“ a phrase is a characteristic manner or style of expression or a brief expression; a word or group of words forming a syntactic constituent with a single grammatical function” яъни “ибора-бу ўзига хос услуб ёки ифода услуби ёки қисқача ифода; битта грамматик функцияга эга синтактик таркибий қисмни ташкил этувчи сўз ёки сўзлар гуруҳи.”

“Oxford English” луғатида эса “a group of words that have a particular meaning when used together” йаъни “биргаликда ишлатилгандагина маълум бир маънога эга бўлган сўзлар гуруҳи” дея келтирилади. Унга синоним сифатида эса “term, phrase, expression, idiom” сўзлари келтирилган.

“Cambridge dictionary” номли луғатда эса фразалар “a short group of words that are often used together and have a particular meaning”: *We are governed, in Lord Hailsham’s famous phrase, by an “elective dictatorship”* йаъни “кўпинча биргаликда ишлатиладиган ва маълум бир маънога эга бўлган сўзларнинг қисқа гуруҳи: Лорд Хейлшамнинг масххур иборасига кўра, биз “сайланадиган диктатура” томонидан бошқариламиз” каби таърифга ега.

“Фарлекс” номли инглиз тилидаги онлайн энциклопедияда “phrases are groups of two or more words that work together to perform a single grammatical function in a sentence. Unlike clauses, phrases do not contain both a subject and a predicate (although they sometimes function as one or the other)” йаъни “фразалар

жумлада битта грамматик функцияни бажариш учун биргаликда ишлайдиган икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат гуруҳлардир. Гаплардан фарқли ўлароқ, иборалар ҳам эгани, ҳам кесимни ўз ичига олмайди (гарчи улар у ёки бу вазифада келса ҳам). Шунингдек, ушбу бўлимда фразавий ибора деган атама ҳам берилган бўлиб, унинг таърифи қуйидагича:

“Фразеологик идиома-уни ташкил этувчи сўзларнинг маъноларидан умумий маънони хулоса қилиб бўлмайдиган сўзлар жамланмаси. Инглиз тилида фразаларни ифодаловчи “Idiomatic expression, set phrase, idiom, saying, expression, locution” каби атамалардан ҳам фойдаланилади.

Рус тилидаги тилшуносликнинг энциклопедик лугатида иборанинг икки хил таърифи келтирилади ва улар қуйидагича: “Фраза:

1. “Отрезок речи, выражающий законченную мысль и являющийся достаточно самостоятельным в интонационном отношении; словесное выражение мысли” деб таъриф берилади.

2. “Красивые и напыщенные слова, скрывающие лживость утверждения или неблаговидность поступка; набор красивых слов, фразерство яъни “Нутқнинг ёлғонлигини ёки қилмишни яширадиган чиройли ва дабдабали сўзлар; чиройли сўзлар тўплами, фразеологик бирликлар”.

Рус тилидаги “Лингвистический энциклопедический словарь» (2012) да фразеология ҳақида қуйидагича маълумотлар берилган: “Фразеология (юнон тилидан. *phrasis*, тур; *phraseos*-ифода ва *логос* — сўз, таълимот) — 1) тилнинг фразеологик таркибини ўрганадиган тилшунослик бўлими (қаранг фразеологик бирлик) унинг ҳозирги ҳолатида тарихий ривожланиш; 2) фразеологик таркиб билан бир хил бўлган маълум бир тилнинг фразеологик бирликлари тўплами. Лингвистик билим бўлими сифатида фразеологиянинг предмети фразеологик бирликларнинг табиати ва уларнинг категорик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, нутқда уларнинг ишлаш қонуниятларини аниқлашдир. Тадқиқотчилар фразеология тор маънода, фразеологик бирликларни-иборалар ва фразеологик бирликларни: комбинатсиялар, биринчи навбатда, сўзнинг

ўзаро боғлиқ маънолари ва улар орқали лексикология билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганишини, кенг маънода эса, турли хил таркибий турларнинг барқарор ибораларини семиотик функциялари (фолклор бирликлари, бадий матнлар, саломлашиш қолиплари ва бошқалар)ни ўрганишини таъкидлайдилар.

“Большой энциклопедический словарь» (2012) да эса фразеология “тилнинг фразеологик таркибини ўрганадиган тилшунослик бўлими”, “маълум бир тилнинг фразеологик бирликлари тўплами” деб айтиб ўтилади.

“Новый словарь иностранных слов” (2012) да эса фразеологияга “нутқнинг барқарор бирликларини ўрганадиган тилшунослик бўлими”, “тил нутқининг барқарор бирикмалари тўплами” дея таъриф берилди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эса фраза қуйидагича таърифланади: “Фраза-(юнонча пҳрасис-ибора, жумла) нутқнинг тугал фикр билдирувчи, одатда гапга тенг келувчи мустақил бирлиги”. Фразеологизм эса: “(юнонча пҳрасис-ибора, жумла+логос-сўз)тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирлик (масалан, томдан тараша тушгандай-тўсатдан, кўққисдан)”.

Фразеология “тилшуносликнинг муайян тилгагина хос бўлган фразеологизм (фразема) ларни ўрганадиган соҳаси”, “бирор тилдаги фразеологизмлар мажмуи”.

Ибора эса: “Бирор тушунча ёки фикр ифодаловчи, одатда, сўзларнинг турғун бирикмаси (сўз бирикмаси ёки гапга тенг жумла); таъбир.” Образли ибора: Чернитсов “вақтинча тантана”, вақтинча чекиниш, қайта ҳужумга ўтиш деган ибораларни қийналиб айтди. И. Раҳим; Чин муҳаббат;

МУҲОКАМА

Хулоса шуки, “фразеологизм-бу тузилиши жиҳатидан сўз бирикмасига ёки гапга тенг келадиган тил бирлиги саналиб, ўзбек тилида ибора ёки турғун бирикма деб аталади”. Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, фраза ва фразеологияга берилган таърифлар учала тилда ҳам деярли ўхшаш, фақатгина айрим жиҳатлари билангина фарқ қилар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Cambridge dictionary.
2. Merriam-Webster dictionary.
3. Oxford English Dictionary
4. Большой энциклопедический словарь, 2012
5. Лингвистический энциклопедический словарь, 2012
6. Новый словарь иностранных слов, 2012
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2021.